

ҶУРИЛДИ Шахмат





Ҳикматнома

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ҲАҚИДА

- ◆ Кўпчилик ҳамкор бўлса, тоғни ҳам йиқитади.
- ◆ Нарвон пиллаоялари бирикиб юқорига кўтарилади.
- ◆ Чинор улкан бўлса ҳам илдизсиз яшай олмайди.
- ◆ Текис сафланган бир неча чўпни синдириб бўлмайди.
- ◆ Барг бандидан узилса ҳазон бўлади.
- ◆ Эл севгани — ёр севади.
- ◆ Ҳамма учун қуйинган одам иқбол эгаси бўлади.
- ◆ Кўпчилиكنинг ҳақиқа ҳиёнат қилган одамда диёнат бўлмайди.
- ◆ Ирмоқ дарёга қўшилмаса, бор-бора қурийд.
- ◆ Элға қўшилган — оройиш топади.
- ◆ Қиллар бирикиб — арқон бўлади.
- ◆ Ишхонанинг ҳар бир аъзоси — кўлга қуйилаётган ирмоқ.
- ◆ Шох синган дарахт — кўрчини йўқотди.
- ◆ Кенгашига — кенг дунё, дангасига тор дунё.
- ◆ Оёқ ва қўлни қиладиган ишлари бошқа-бошқа бўлса ҳам бир-бирларига хизмат қилдилади.
- ◆ Қайчининг ҳар иккала дами бир-бирига интилгандагина кесади.

Ветеран педагог:
Матлуба УЛУҒОВА.

Дейдиларки...

Сукротдан шогирди сўради:
— Нима учун Сизнинг юзингизда ҳам-аламдан асар ҳам йўқ?
— Ҳеч нарсага ачинмаганим учун ҳам шундай, — дея жавоб берди Сукрот.

Сукрот дарахтдаги аёлга қараб хитоб қилди:
— О, қани энди барча дарахтлар ҳам шунанга ҳосил берса!..

Бир файласуф айтган эди:
— Ажабланишнинг шунданми, одам боласи йўқолган бойлик учун қайғурдию, ўтаётган умрини эса ҳайлига ҳам келтирмайди.

Бир файласуфга шундай деб айтишган эди:
— Истаганинг рўйида чикмаса жуда ҳам ёмон.
У жавоб берди:
— Истамаган нарсанг рўйида чикса агар бундан ёмони йўқ.

Бузурикехрдан сўрашди:
— Ҳеч қачон бекадор бўлмайдиган, ҳатто борлигини сезмасалар ҳам сақланадиган бойлик нима?
— Камтарлик, — дея жавоб берди Бузурик меҳр.

Қадимги кўлёмаларни варақлаганда

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

Бир мажлисда фозиллар йиғилган эди. Пахлавон Муҳаммад шу мажлисда оғир аҳволга тушиб қолганини айтиб қолди. Мажлис аҳли унинг сабабини суриштирди. Пахлавон деди:
— Қанинча Пахлавон одам, деб лақаб қўйишлар. Мен бу лақабни ўзимга муносива, деб билмасман. Чунки, бу даргоҳ мулозиматида Муҳаммад Молонийдек пахлавон бордир. Мен у киши билан кураш тушиб енгилсам, бу лақабга сазовор бўлишим тўғри бўлмас.

Бу сўзни ундан эшитган

Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ҳайрат бармоқларини тишладилар. Дедилар:
— Эй, Пахлавон одам, Муҳаммад Молоний башар жинсидан эмас. У одам суратидаги бир дев. Сиз у билан кураш тушсангиз бўлармиди?

Шу сўз устида Муҳаммад Молоний кириб келди. Хусайн Бойқаро унга деди:
— Пахлавон одамнинг сен билан кураш тушгиси бор. Нима дейсан?

Муҳаммад Молоний деди:
— У кишининг бундай ном-маъқулчилигини кўнгалда тутаман. Шунинг айтишим лозимки, мен бу кишининг падаири бузуқворининг шогирдиман. Бу маҳдум менга маҳдумзода бўлди.

Мажлисдаги ҳамма киши-лар Муҳаммад Молонийга

тахсину офаринлар ўқидилар.

НОЗИК ТАЪБ ШОИР

Моварий ўз замонининг кўзга кўринган шоирларидан эди. Уни Гул шоир, деб аташарди. Бир кун Байсунгур Мирзо мажлисида аҳли шуарою, фозиллар жаъм бўлишди. Байсунгур Мирзонинг олдида бир даста гул, бир соғар ва бир камон турар эди. У гулни олиб соғарнинг ёнига қўйди. Камонни ҳам олиб айлантириб қўйди. Гул шоир дарҳол ўрнидан туриб ташқари чиқди, бир дастурхон анор келтирди. Мажлис аҳли ҳай-

рон бўлиб, Гул шоирдан бу ишига изоҳ талаб қилдилар.

Гул шоир деди:
— Байсунгур Мирзо гулни соғарнинг ёнига қўйди. «Гул» ва «соғар» сўзларини Гул шоир, деб ҳам ўқиб мумкин. Сўнгра камонни айлантириб қўйди. Камон араб тилида «қавс» дейилади. Уни айлантирилса «суқ» бўлади. «Суқ»нинг маъноси бозордир. «Возор» сўзи ёзувда «нор», «ор» сўзига ўхшашдир. Шулардан мен «Гул шоир, анор келтир» маъносини тушундим. Шу боис бориб анор келтирдим. Бу сўзни эшитиб, ҳамма унинг камонига таҳсинлар ўқиди. Унинг анор келтирган дастурхонини тиллога тўлдириб бердилар.

Баҳодир ВАЛИЕВ таърифлаган.

Мамлакатлар, одамлар, одатлар

ОДОВЛИЛИК АРИФМЕТИКАСИ

Яқинда Японияда ҳушфёлик қондаларига тааллуқли кўп-лама босилиб чиқди. Шунинг таъкидлаб ўтиш ўрниликки, бу фақатгина японларгагина хос қўллама бўлиб бошқа мамлакатларда тегишли дара-

жада тан олиниши эҳтимолдан ўзок. Японияда одовлилик қондаларининг муҳим таркибий қисми — таъзим қилишдан иборат. Бунинг устига масалан, ўн беш мартаба таъзим қилиш, сийқа усулда саломлашишгагина кифоя. Яхши

таассурот уйғотиш учун қирқ беш мартаба таъзим этиш зарур, етмиш беш мартаба таъзим қилиш алоҳида ҳурматни англатади. Энг ҳурматли шахс эса тўқсон мартаба кетма-кет таъзим этиш билан оқилланади.

САРИМСОҶ ФЕСТИВАЛИ

Ҳар йили Испания шаҳарларидан бирида сентябрь ойида саримсоққа бағишланган байрам бўлиб ўтади. Бу йил у ўн тўртинчи мартаба ни-

шонланади. Испаниянинг таъкидлашларича бу зираворни, ширин нон ва музқаймоқдан ташқари барча таомларда ишлатиш мумкин. Саримсоқ ша-

рафига қасидалар тўқидилар. Фестивалларнинг бирида саримсоқ мадҳ этилган энг яхши кўшк учун махсус мукофот тақдим этилган эди.

Ҳар тўғрида

УРУШ ЙИЛИ

ХАТЛАРИ

1944 йилнинг май ойида Американинг «Калед Стронг» юк ташиш кemasининг ҳарбий денгизчилари ўз олдига ва маъшуқларига ёзиб қўйган 253 та хат 42 йилдан сўнг топилди. Шунча хат Ролли шаҳри (Шимол Каролина штати)даги бир уй подвалига ётган экан. Уни ремонт қилувчилар топиб олишди.

АҚШ бўйича қиларув ўтказиб, 11 хат эгаси топилди. Уларга тантанали равишда ўз хатлари 42 йилдан сўнг топилди.

«ҚИЗИЛ ШАПКАЧА» ТАҚИЛҚАНДИ

Американинг Миннесота, Виржиния, Нью-Мексика

штатларидаги китоб магaзинлари ва кутубхоналаридан Вильям Шекспирнинг «Ромео ва Жульетта» трагедияси йиғиштириб олинди ва сотиш тақиқланди. Уларнинг фикрича, бу асар «ахлоқий бузуқ фойли» эмиш.

Шимол Каролина штатининг цензураси болаларнинг севаймли эртаги бўлган «Қизил Шапкача»ни тақиқлаб қўйган. Гуёки, бу эртада «зўравонлик» кучли ифодаланган эмиш.

АМЕРИКАЧА НИШОНЛАШ

Утган йили машҳур ёзувчи Марк Твен юбилейи Америкада жуда галати нишонланди. Жумладан, Элмар шаҳар аҳолиси улуг ёзувчи хотирасини мушуклар кўр-

графияни яхши биласан-а! Ўқувчи: Албатта. Ўқувчи: Яхши, айтчи менга, Лондон қерга жойлашган! Ўқувчи: Лондон 31 метрлик қисқа тўққизга жойлашган...

Ўқувчи: Сен илгариларни алоҳи ўқувчилардан эдинг-а! Ўқувчи: Ҳа, илгариги ўқувчиларим ҳозиргиларидан билмироқ эди-да.

Арабчадан Қ. ТОШМЕТОВ таржимаси.

Келинг, бир қулишайлик

ХАНДАЛАР

Ўқувчи: Ернинг шарсимонлигига учта далил келтир. Ўқувчи: Биринчидан, ҳозир сиз айтдингиз. Иккинчидан, адам айтган эди. Учинчидан, мен ҳам ҳақиқатда Ер шарсимондир, деб ўйлаб қолдим.

Ўқувчи: Нима учун ҳамма уй вазибаларинг одадгидек тўғри бажарилмаган! Ўқувчи: Билмадим... адам уйда йўқ эди.

Ўқувчи: Ўғлим, сен гео-

газмасини ташкил қилиш билан нишонлади, чунки Марк Твен мушук боқини яхши кўрган экан.

Хартфорд шаҳри аҳолиси эса ёзувчи хотирасини унинг ҳамма асарларини овоз чиқариб ўқиб билан ўзига хос нишонлади. Ўқинида барча хоҳловчилар иштирок этди. Ўқини пайтида бўғилиб ва ўзидан кетиб беҳуш бўлиб қолган одамларга махсус чақиртирилган врачлар дастлабки медицина ёрдамини бериб туришди.

Рединг шаҳрида ёзувчи хотираси янада ажойиб нишонланди. Шаҳар парки девори «Том Совер девори» деб эълон қилинди ва деворни ҳар ким ўз хоҳишича бўяб кетиши мумкин бўлди.

С. ҒАҒУРОВ тўплаган.

ЭНДИ ҲУШЁР ҚИЛДИ ТҮЙ

Қиз чиқармоқ бўлди дўстим мулла Ёдгор қилди тўй, «Орзу-ҳавас» расми-ла дўстимни безор қилди тўй. Бир неча кампир-халаж «Тўй расми шу» деб турдилар. Ёш-ялангнинг тўй панини бузди, беқор қилди тўй. Олди-берди, маслаҳат ошн бўлиб то тўйгача, Кечалар ўй ўйлатиб дўстимни бедор қилди тўй. Фотиҳада ўн кишига бош-оёқ сарпо эмиш, Бошданоқ чўнтақни овлаб, ўпириб гор қилди тўй. Юз бориб, юз бир келиб дастурхону ҳам «элчилар», Қистадилар тўйни, дўстим кеча ночор қилди тўй. Бир кун эр, бир кун хотинлар, охири ёшларга деб, Чўздилар уч кунга тўйни тоза безор қилди тўй. Икки тандир, беш ўчоқдан ўт узилмай эрта-кеч, Ошу-нон хирмони тўлди, уйни бозор қилди тўй. Тўртта гимжа бирла кўпчи келди юзлаб тоғора, Унга ошу қайта ўнта нонни тайёр қилди тўй. Ошқовоқдек ҳар биқинда қайтдилар тоғоралар, Йўлда ошнинг ёни оқиб тўйни «гулдор» қилди тўй. Кеча бўлиб пода-пода, гир-гир ўйнаб ёш-яланг, Келдилар чангта ботиб кўёни сарқор қилди тўй. Деди тўй бошлиқларим: «ҳаммадан «оқ» мўл бўлсин!» Юз эшикка чоптириб дўстимни қарздор қилди тўй. Тортиб олди худди магнитдек ранго-ранг шишалар, Унга ким чипша ёнишди, ким у, ошқор қилди тўй. Ким эшикка, ким тешикка урди, кетди билмадик, Аридек тўзгитди-ю, меҳмонни ҳам хор қилди тўй. Куйдингиз, сўнг билдингиз дўстим бу хил тўй расмини, Бу расм авради сизни, энди ҳушёр қилди тўй.

Ўткир РАШИД

Ҳайвонот оламида

жалигига катта фойда келти-ради.

Туранинг гўшти қаттиқ ва қуруқ, истеъмол қилиш учун деярли яроқсиз ҳисобланади. Шунинг учун ҳам кишиларга катта заъи бағишлайдиган бу йирин, чиройли ҳамда фойдали қўшларни асраш ва уларни бевзани бекорта ноубуд қилишларининг олдини олиш — бизнинг — ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Т. ҚОБИЛОВ, Ўзбекистон ССР Фанлар ака-демияси зоология ва паразитология институтининг илмий ходими, биология фанлари кандидати.



ТУРСОЯ ОЛАМ

ЧОЙНАКДАН ТОПИЛГАН ХАЗИНА

Кропоткин шаҳрининг халқ музейи нумизматик коллекцияси 1870 — 1916 йилларда чиқарилган 1.800 мис танга билан бойлиди. Бу қадимги тангалар фавкулда гаройиб тарзда экспонатлар сафидан жой олди.

Дугинен номидаги кўчада истиқомат қилувчи Черноивановлар оиласи уйлари ёнига дарахт ўтказмоқчи бўлишди. Дарахт учун чуқурча қовлай бошлаганида шунда кутилмаганда белжуратемир жисмига тегиб кетгани сезилди. У нарсани олиб ташламоқчи бўлган Черноивановлар жисмининг чирю тўқилди деб турган чойнак эканлигини кўриб, ҳайрон қолдишди. Сўнгра ажабини чойнакни қазиб олган онла аъзолари ўларни билмаган ҳолда унинг ичиданги мис хазинасининг гувоҳи бўлишди.



КЎЗОНАКЛАР ТАРИХИ

Кўпчилик кўёш нуридан сақлайдиган кўзонакларни ҳозирги замон кашфети деб ҳисоблашади. Аслида эса уларга уч минг йилдан кўпроқ вақт бўлган. Улар мисрликлар томонидан ўйлаб топилган. Бироқ, уларни фақат амалдорларгина тақиб юриш ҳуқуқига эга бўлган. Манбаларда эслатилишича, Клеопатра Помпей билан учрашувга қора кўзонакда ташириб буюрган экан. Фиръавн Рамзес II сағанасидан топиладан бир неча шундай кўзонаклар Лондон музейларидан бирида сақланмоқда.



ОМАД КУЛИБ БОҚҚАНДА...

Австрия пойтахтида метронинг янги йўллари қурилишда. Метросозлар билан биргаликда археологлар ҳам ишлаймоқда. Яқинда археологларга чинакамгина омад кулиб бонди. Улар Венанинг қоқ маркази — Миноритен-плац майдони остида қимматбаҳо археологик жисмларни топишди. Уларнинг қадимийлиги — 150 йилга тенг. Одам скелети, маймун тиши, металл қурул, қулоқчилик буюмлари шулар жумласидандир. Археолог-олим доктор Райнхард Поханка баён этганидек, бу топилмалар Вена Тарих музейи экспонатларини тўлдирди.

КЕНГУРУДАН ЎРГАНМОҚДА

Жаҳон кубоги учун Канберра (Австралия)да ўтказилган енгил атлетика мусобақалари пайтида уч ҳатлаб сакраш бўйича америкалик жаҳон рекордчиси Уильям Бонкс ўзининг бун вақтининг ҳаммасини пойтахт ҳайвонот борида ўтказишга ниятлди. Спортчининг буғчилик диққат-эътиборини жалб этишга кенгүру сабабчи бўлган экан. Сўнгги пайтларда Бонкс бу галати ҳайвонларнинг сакраш техникасини синчиловчи билан ўрганмоқда. Бу 18 метрли маррани забот этишда ёрдам беради деб ўйламоқда спортчи.



СТОЛ ТЕННИСИ ЕНИДА 150 СОАТ

Страсбурглик (Франция) Жан-Марк Сене узок муддат давом этувчи стол теннисини ўйини орқали рекордчилар сафидан жой олишга аҳд қилди. Бунда кардио-лог, хирург, диетолог, 13 массаажчи ва яна бошқа мухассаслардан ташкил топган қирқ кишилик группа Сенега ёрдам берди. Жан-Марк кўзлаган мақсадига эришишга муваффақ бўлди. У ишлал стол теннисда (шери-лари алмашиб турган ҳолда) 150 соатга 14 минут 53 секунд узлуksиз ўйнади.

КУЛРАНГ ТУРНА

Турналар Ўзбекистонимизни нг қаерларида яшайди? Шу ақойиб қўш ҳақида мақола берсангиз.

Убайдулла ПАРПИЕВ, ўқитувчи.

Шу йил апрель ойининг бошлари эди. Саросиё район тоғлик зонасида жойлашган чорва яйловлари кўн-қўн ўт билан қопланган. Шу зонадаги Бандикон массивида ўтлаётган «Ленинград» ноҳозининг қўй-қўнлари ёнига қилинган. мизда кутилмаган поёнини гувоҳи бўлди: 40—45 бош турналар (кулранг турна) қўй-қўнлар ёнида бамайляхотир «ўтлаб» юришарди. Фақат уларнинг 2—3 таси баландроқ дитилнича чиниб олган ва атрофни бевзани синчиловлик

билан кузатиб кўярди. Бундан, уларни «қўриқчилик» қилватганини билиб олиш қийин эмасди.

Бу ҳодисани таниқли мутахассис-орнитолог, биология фанлари кандидати М. М. Остапенко қуйидагича шарҳлайди: кулранг турналар йил-рик, бакуват қўш бўлиб, узок масофаларни бекалол учиб ўтади. Уларнинг Ўрта Осиё, шунингдек Ўзбекистон тарри-торияси устидан учиб ўтиш мурдат март ойининг охири — апрелининг бошларига тўғри

келади. Улар асосан ўтлар билан овқатланади. Уларни сув ҳавзаларидан анча узоқ бўлган чорва яйлови — тоғлик адирликларга «меҳмон» бўлганига сабаб — бу ердаги сервус майса ўтларининг ўзига жалб қилганлигиндир. Улар айрим вақтларда лалмикор майдонлардаги гал-ла ўсимликлари — бўғдой, арпа ва ҳоказони еб қисман зарар келтириши мумкин. Агар турналар инсон-уч марта ҳай-даб юборилса одадга, бошқа қайтиб келишмайди. Улар майда кемирғувчилар, чигирт-калар ва бошқа зараркунада жоиворларни қириб халқ ҳу-

Замин, инсонга таъзим қили

